

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**1-сон**  
**(813)**  
**2018 йил**  
**8 январь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

1. «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 20 декабрдаги ЎРҚ–449-сон Қонуни
2. «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 21 декабрдаги ЎРҚ–450-сон Қонуни
3. ««Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ–451-сон Қонуни
4. «Хорватия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баён

номани (Брюссель, 2017 йил 17 июль) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ–452-сон Қонуни

5. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протокоliga (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ–453-сон Қонуни
6. «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–454-сон Қонуни
7. «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–455-сон Қонуни
8. «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ–456-сон Қонуни

### *Учинчи бўлим*

9. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 7-сон қарори
10. «Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 10-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 январдаги 1-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960*)

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 184, 28-2017-сон «2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-2*)
17. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 7-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-1*)
18. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 8-мх-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-1*)
19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 9-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-7*)
20. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 10-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 21-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-4*)
21. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 11-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-10*)  
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 4 январдан 6 январгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**1 Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида\***Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 19 октябрда қабул қилинганСенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Август ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,  
2017 йил 20 декабрь,  
ЎРҚ-449-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 21 декабрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**2** Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 6 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Август ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 декабрь,  
ЎРҚ-450-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 22 декабрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**3 «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилсин.

**2-модда.** «Келажак бунёдкори» медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

**3-модда.** «Келажак бунёдкори» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда; 2012 йил, №9/1, 241-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **12-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Келажак бунёдкори» медали»;

**бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 декабрь,  
ЎРҚ-451-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 29 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг  
2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-451-сонли  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **«Келажак бунёдкори» медали тўғрисидаги НИЗОМ**

1. «Келажак бунёдкори» медали билан ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этиб, халқ манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилаётган, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ва шон-шухратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган, шунингдек ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

«Келажак бунёдкори» медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Келажак бунёдкори» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёزلардан фойдаланади.

5. «Келажак бунёдкори» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

6. «Келажак бунёдкори» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул мукофоти мукофотланган шахснинг оиласига топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг  
2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-451-сонли  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **«Келажак бунёдкори» медалининг ТАВСИФИ**

«Келажак бунёдкори» медали дастлаб 0,5 микрон қалинликдаги никель, кейин эса 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг қалинлиги — 2,2 миллиметр.

Медалнинг олд томонида, марказда, оқ фонда замонавий фан-техника тараққиёти тимсоли бўлган «тинчлик атомининг» рамзий тасвири, кўк рангдаги Ер шари, унинг меридианлари ва параллеллари, Ўзбекистон Республикасининг харитаси, шунингдек таянч рамзи бўлган икки қафт тасвири жойлашган.

Медалнинг юқори қисмида айлана бўйлаб яшил рангли лентага «KELAJAK BUNYODKORI» деган сўзлар ёзилган. Ёзув зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрли ташкил этади.

Медалнинг пастки қисмида айлана бўйлаб иккита зайтун новдаси жойлашган, уларнинг туташган марказида яримой ва юлдузни ўз ичига олган, четлари зарҳал хошия билан ўралган кўк рангли мусамман тасвирланган. Мусамманнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ранглиридаги ленталар тасвири акс эттирилган.

Медалнинг орқа томонида диаметри 21 миллиметр бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмида медаль рақами 3,5 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медалнинг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Медаль шойи лента билан қопланган беш қиррали қадағичга илмоқча ва халқача ёрдамида туташтирилган.

Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли оқ рангли йўл, унинг икки четидан эса тўқ кўк рангли энсиз чизиқлар билан хошияланган, эни 2 миллиметрли иккита сариқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари бўйлаб эни 4 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.

Қадағичнинг бўйи — 48 миллиметр, эни — 46 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига медални кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**4** Хорватия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2017 йил 17 июль) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

Хорватия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённома (Брюссель, 2017 йил 17 июль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 декабрь,  
ЎРҚ-452-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 29 декабрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**5** Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 6 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) куйидаги баёнотлар билан қўшилисин:

1) **Конвенциянинг 53-моддаси** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари Конвенциянинг 1-моддаси ва XII боби мақсадлари учун тегишли судлар ҳисобланади»;

2) **Конвенциянинг 54-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Конвенцияга мувофиқ кредиторда мавжуд бўлган, унинг қоидаларидан бирида судга мурожаат қилишни талаб қилувчи сифатида аниқ белгиланмаган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг барча усуллари суд ҳаракатларисиз ва суднинг рухсатисиз қўлланилиши мумкин»;

3) **Протоколнинг XXX моддаси 1-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у Протоколнинг VIII, XII ва XIII моддалари қоидаларини қўллайди»;

4) **Протоколнинг XXX моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у X моддани тўлиқ ҳажмда қўллайди ва X модданинг 2-бандида қайд этилган вақт даврининг давомийлиги Конвенциянинг 13-моддаси 1-банди а), б), с) кичик бандларида кўрсатилган ҳимоя воситалари учун кўпи билан ўн календарь кунни ҳамда Конвенциянинг 13-моддаси 1-банди d), е) кичик бандларида кўрсатилганлари учун кўпи билан ўттиз календарь кунни ташкил этади»;

5) **Протоколнинг XXX моддаси 3-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у XI модданинг А вариантыни ночорлик бўйича тартиб-таомилларнинг барча турларига нисбатан тўлиқ ҳажмда қўллайди ва

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 29 декабрда эълон қилинган.

XI модданинг 3-банди мақсадлари учун муддатни кечиктириш даврининг давомийлиги олтмиш календарь кунни ташкил этади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 декабрь,  
ЎРҚ-453-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **6 Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда) **25-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш»;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 30 декабрда эълон қилинган.

**ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **22-модданинг йигирма тўртинчи хатбошисидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **23-модданинг:**

**иккинчи қисми:**

**9-банди** чиқариб ташлансин;

**10-бандидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа мажбурий тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

2) давлат божи;

3) божхона тўловлари;

4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим»;

**олтинчи қисмидаги** «1 — 4» ва «5» рақамлари тегишинча «1 — 3» ва «4» рақамлари билан алмаштирилсин;

3) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «хамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **80-модданинг еттинчи қисмидаги** «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **121-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «икки баравари» деган сўзлар «тўрт баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «бир ярим баравари» деган сўзлар «уч бара-вари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **130-модданинг биринчи қисмидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **145-модда:**

**17-бандидаги** «агар ушбу Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**20-бандидаги** «солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**30-банди** «шунингдек соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**50-банди** «шунингдек пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **58 — 63-бандлар** билан тўлдирилсин:

«58) ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун бериладиган товарларнинг нархларидаги фарқлар (зарарлар);

59) хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

60) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

61) шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишларини бажариш харажатлари;

62) ишлатиб келинаётган, тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ;

63) ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини тўлашга доир харажатлар»;

8) **146-модда:**

**биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** «Ушбу моддада келтирилган харажатлар» деган сўзлардан кейин «агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 3-бандларида кўрсатилган харажатлар улар юзага келган пайтда жорий ҳисобот даврида ҳам чегирилиши мумкин»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

9) **147-модданинг:**

**2, 4, 5, 7, 8, 16, 17, 26** ва **26<sup>1</sup>-бандлари** чиқариб ташлансин;

**12-бандидаги** «пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **154-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «10» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

**саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

11) **156-модданинг тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

12) **176-модданинг 4-бандидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **179-модда:**

**2-бандининг учинчи хатбошисидаги** «ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**12-банди** «агар конун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**18-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган органининг хулосаси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахсининг грант берувчидан олган гранти суммаси»;

**19-банди** чиқариб ташлансин;

14) **204-модданинг йигирманчи қисмидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **208-модданинг:**

**17, 18, 20** ва **26-бандлари** чиқариб ташлансин;

**19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) босма маҳсулотлар. Ушбу бандни қўллаш мақсадида босма маҳсулотлар жумласига миллий валюта (купюра), китоб маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларининг даврий босма нашрлари (реклама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно), дафтарлар ҳамда расм ва чизмачилик альбомлари тааллуқлидир»;

16) **211-модданинг 11-бандидаги** «ёғоч-тахта» деган сўз «юридик шахслар томонидан олиб кириладиган ёғоч-тахта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **222-модда биринчи қисмининг 9<sup>1</sup>** ва **10-бандларидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **228-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «қуйидаги ҳужжатларни ёзма аризага тўрт нусхада илова этган ҳолда» деган сўзлар «қуйидаги ҳужжатларни қоғоздаги шаклда уч нусхада илова этган ҳолда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **261-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ҳажмига»;

20) **265-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахсининг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир»;

21) **266-модда:**

**биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисмининг биринчи жумласи** чиқариб ташлансин;

22) **267-модда:**

**биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўчмас мулк бўйича — ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади»;

**иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **268-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **269-модданинг биринчи қисми:**

**10-бандидаги** «асосий ишлаб чиқариш фондларининг» деган сўзлар «кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13 — 16-бандлари** чиқариб ташлансин;

25) **271-модданинг ўнинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади»;

26) **274-модданинг биринчи қисмидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

27) **277-модданинг учинчи қисмидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

28) **285-модданинг биринчи қисмидаги** «15 февралига» деган сўзлар «10 январига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **286-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер солиғини тўлаш юридик шахслар томонидан ҳар ойнинг 10-кунига қадар ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида амалга оширилади»;

30) **290-модда биринчи қисмининг 10-банди** чиқариб ташлансин;

31) **291-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Якка тартибда уй-жой қуриш ва уйларни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда ер солиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч баравар миқдорда тўланади»;

32) **XIII бўлим** чиқариб ташлансин;

33) **XIV бўлимнинг номидаги «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

34) **301-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга:

бензин, дизель ёқилғисини, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали;

газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир»;

35) **302-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектидир, бундан ихтисослаштирилган газ қуйиш шохобчалари орқали аҳолига маиший эҳтиёжлар учун реализация қилинадиган суўлтирилган газ мустасно»;

36) **304-модданинг матнидаги «Транспорт воситаларига», «транспорт воситаларига», «транспорт воситалари учун»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

37) **XV бўлимнинг номидаги «ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА»** деган сўзлар **«ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИГА»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) **311-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4 ва 5-бандлар** билан тўлдирилсин:

4) қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандчилик субъектлари — «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари томонидан — ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда;

5) «Уста-шоғирд» мактаби ўқувчилари томонидан уларнинг 25 ёшга тўлгунига қадар бўлган иш даврида — йилига энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади»;

**учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳунармандчилик субъектлари — «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари суғурта бадалини тўлашдан озод этилади, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ



ногирони бўлган шахслар учун эса суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак»;

39) **52-бобнинг номидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига»** деган сўзлар «**Давлат мақсадли жамғармаларига»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **312-модданинг:**

**биринчи қисми биринчи хатбошисидаги** «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги** «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) **313-модданинг:**

**биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардан иборат:

1) иссиқлик ва сув таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини бажарувчи юридик шахслар учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинadиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

7) газ таъминотини ва электр таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун — қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда тегишинча табиий газ ва электр энергиясини охири истеъмолчига реализация қилиш ҳажми;

8) дон маҳсулотларини қабул қилиш (дон маҳсулотларини қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналари) фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар — қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда, устама ва чегирма»;

**тўртинчи қисмидаги** «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **315-моддадаги** «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **XVI бўлимнинг рақамланиши** ва **номи** ҳамда **53-боб** чиқариб ташлансин;

44) **XVI<sup>1</sup> бўлим** чиқариб ташлансин;

45) **349-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида белгиланган чегаравий миқдордан ортиқ майдони бўлган ер участкаларига эга ягона солиқ тўлови тўловчилари учун ер солиғи»;

**саккизинчи — ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

46) **354-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

47) **355-модда иккинчи қисми:**

**1-бандининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

48) **356-модда биринчи қисмининг 3-банди** чиқариб ташлансин;

49) **363-модданинг бешинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

50) **372-модда:**

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

51) **374<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи, I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар бўйича эса энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади»;

52) **375-модданинг тўртинчи қисмидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;**

53) **376-модданинг иккинчи қисмидаги «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.**

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **28-модда:**

**биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш тўғрисида ҳудудларнинг фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **36-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси;

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;

3) **38-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **39-моддадаги** «Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **41-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«41-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси таълим ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, жиҳозлашга (тўлиқ жиҳозлашга) йўналтириладиган, ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мажбурий тўловлар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғармани бошқариш кенгашидир»;

6) **42-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **43-модда** чиқариб ташлансин;

8) **51-модданинг 5-бандидаги** «ва жарима санкциялари» деган сўзлар «жарима санкциялари ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **52-модда:**

**биринчи қисми 2-бандининг:**

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**учинчи — еттинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи — олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи хатбошисидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «ва дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тасдиқланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин»;

10) **54-модданинг номидаги** ва **биринчи хатбошисидаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **55-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«55-модда. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг даромадларини шакллантириш**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг даромадлари:

давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа мол-мулкни реализация қилиш;

устав жамғармаларида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тугатишдан тушган тушумлар;

давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар, ижара тўловини кечиктирганлик учун пеня ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жарима суммалари;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади»;

12) **57-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«57-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадларини шакллантириш**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари:

Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Давлат бюджети маблағлари;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади»;

13) **58-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **59-модда** чиқариб ташлансин;

15) **69-модда:**

**биринчи қисмининг:**

**олтинчи хатбошиси** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини» деган сўзлардан кейин «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) **70-модда:**

**биринчи қисми:**

**1-бандининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн иккинчи хатбошиси** «жамоат ишларини молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**3-банди:**

**тўртинчи хатбошисидаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Соф ичимлик суви» жамғармаси орқали ичимлик суви билан таъминлаш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар»;

**5-банди:**

**биринчи хатбошиси** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини» деган сўзлардан кейин «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«адлия ва прокуратура органларини»;

**6-бандидаги** «адлия ва прокуратура органларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ва дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **71-модда:**

**биринчи қисми:**

**1-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ўрта махсус, касб-хунар таълими» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оилаларга тўланадиган ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ҳамда табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам»;

**2-банди:**

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **6<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«6<sup>1</sup>) ҳарбий-маъмурий секторга юклатилган тадбирларни ва вазифаларни амалга ошириш ва ҳал қилиш харажатлари»;

**иккинчи қисмидаги** «ва ўтказиб бериладиган даромадлар» деган сўзлар «ўтказиб бериладиган даромадлар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **72** ва **73-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«72-модда. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари**

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шу жумладан:

туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари ва мактабгача таълим бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари;

туман тиббиёт бирлашмалари, туман марказий поликлиникалари ва койкасиз диспансерлар, туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларини сақлаб туриш харажатлари;

қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;

туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари тасарруфидаги маданият муассасаларини, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданиятни, жисмоний тарбия ва спортни, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;

уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

2) иқтисодиёт харажатлари, шу жумладан:

туманлар ва шаҳарлар давлат ветеринария бўлимлари, лабораторияларни сақлаб туриш;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчаларни, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш;

уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари;

3) туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари;

- 4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;
- 5) туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;
- 6) бошқа харажатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

**73-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетининг захира жамғармалари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларига тушадиган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармаларининг миқдори макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари миқдори Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар хокимларидир.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги молия органлари билан дастлаб келишилган таклифлар ташаббускорлар томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига белгиланган тартибда киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари асосида, ушбу қарорларда кўрсатилган аниқ мақсадларга ва микдорларда сарфланади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларидан қўшимча маблағлар ажратилиши таклиф этилаётган мақсадлар учун Давлат бюджетида ҳам маблағлар назарда тутилган бўлса, у ҳолда тегишли захира жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар фақат илгари тегишли бюджетда назарда тутилган маблағлар сарфлаб бўлинганидан кейингина киритилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларидан маблағлар ажратилган тадбирлар муайян муддатга эга бўлса, у ҳолда фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугаганидан кейин ўн иш куни ичида тегишли захира жамғармасига тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармасидан ажратилиб, молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ажратилган маблағлар молия йили тугагач тегишли бюджетга тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармасидан маблағлар олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органларига тегишли захира жамғармасидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этади»;

19) **75-модданинг номидаги ва биринчи хатбошисидаги** «Молия

вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **76-моддадаги** «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **77-модданинг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бандликка кўмаклашиш марказлари бўлинмаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш»;

22) **78-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«78-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг харажатлари**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан:

мактабгача таълим муассасаларини, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларини, академик лицейларни, болалар мусиқа ва санъат мактабларини, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаларини, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) ишларини молиялаштириш;

соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда тизимли равишда қайта жиҳозлашни молиялаштириш;

белгиланган тартибда аниқланадиган бошқа мақсадлар учун фойдаланилади»;

23) **79-моддадаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **80-модда** чиқариб ташлансин;

25) **95-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга, агар тақчиллик давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари билан қопланмаса, йўл қўйилмайди»;

26) **98-модданинг:**

**еттинчи хатбошисидаги** «ва дотацияларнинг» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўнинчи хатбошисидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **99-модда иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ва дотацияларнинг» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошиси** «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28) **100-модда:**

**биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ва дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «хамда дотациялар» деган сўзлар «дотациялар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **107-модданинг учинчи қисми** «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) **112-модданинг олтинчи қисми ўн тўққизинчи хатбошиси** «Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг» деган сўзлардан кейин «туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

31) **119-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар»;

**бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

32) **134-модданинг биринчи қисмидаги** «ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар» деган сўзлар «ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) қуйидаги мазмундаги **138<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **«138<sup>1</sup>-модда. Мақсадли ижтимоий трансфертлар**

Мақсадли ижтимоий трансфертлар юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Мақсадли ижтимоий трансфертларнинг миқдорлари:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига — асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тасдиқланаётганда

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Фойдаланилмаган мақсадли ижтимоий трансфертлар жорий молия йили охирида тегишли юқори турувчи бюджетга қайтарилиши керак»;

34) **140-модданинг учинчи қисми** «ўтказиб бериладиган даромадларнинг суммаси» деган сўзлардан кейин «мақсадли ижтимоий трансфертлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

35) **156-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Давлат қимматли қоғозларини чиқаришдан олинган тушумлар:

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган йирик инвестиция лойиҳалари ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилади»;

36) **177-модданинг номи** ва **биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«177-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Мазкур Қонун 2-моддасининг 11-банди, 13-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари ҳамда 15, 16, 30, 45 ва 48-бандлари 2018 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 29 декабрь,  
ЎРҚ-454-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**7 Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг мақсади юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат»;

2) **3-модданинг ўн олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**қарздор** — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса»;

3) **5-модданинг иккинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорга» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **8-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** «якка тар-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 1 январда эълон қилинган.

тибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **11-модда учинчи қисмининг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи»;

6) **17-модданинг иккинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорга» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **18-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«якка тартибдаги тадбиркорлар ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса»;

8) **28-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш қўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади»;

9) **36-модданинг иккинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **37-модданинг:**

**биринчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор ёхуд» деган сўзлардан кейин «якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **38-модда иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **39-модданинг биринчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **128-модданинг олтинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **145-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишин-

ча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ёхуд қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади»;

15) **147-модданинг иккинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) **150-модданинг учинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) **X бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«X боб. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги»;**

18) **174 ва 175-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«174-модда. Якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс банкротлигининг тартибга солиниши**

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар мазкур бобда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Қонуннинг I — III боблари қоидалари қўлланилади.

**175-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза**

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иктисодий судга қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс, кредитор, прокурор, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талаблар қўядиган кредиторлар бундан мустасно.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талабларни қўядиган кредиторлар ўз талабла-

рини такдим этишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили қўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги таомили тугаганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади»;

**19) 176-модданинг:**

**биринчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**20) 177, 178 ва 179-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«177-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки**

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулки тугатиш массасига кирмайди.

Иқтисодий суд қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкини ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг ушбу модда иккинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкининг умумий қиймати энг камииш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортик бўлмаслиги керак. Бундай мол-мулк рўйхати иқтисодий суд томонидан тасдиқланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

**178-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс битимларининг ҳақиқий эмаслиги**

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иқтисодий судга берилганидан кейин қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс-



нинг ўз мол-мулкани бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда бериш билан боғлиқ битимлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлардир.

Кредиторнинг талабига биноан иқтисодий суд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг битим предмети бўлган мол-мулкани қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс мол-мулки таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка қаратиш тариқасида қўллайди.

**179-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни иқтисодий судда кўриш**

Иқтисодий суд қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкани хатлайди, конун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафиллик берилган ёки кафолатланган бошқа таъминот тақдим этилган тақдирда иқтисодий суд мазкур қарздорнинг илтимосномасига биноан унинг мол-мулкани (мол-мулкнинг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Иқтисодий суд қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисобкитоб қилиши ёки келишув битимига эришилиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг аризасига биноан узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор фуқарога ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, иқтисодий суд якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битимини тузмаган бўлса, иқтисодий суд қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс-

ни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади»;

21) **180-модда:**

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«180-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топишнинг оқибатлари»;**

**биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорни» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни иқтисодий суд барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Иқтисодий суднинг ана шундай қарорини юбориш қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс ҳисобидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш чоғида қўлланилмайди»;

22) **181-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суднинг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун давлат ижрочисига юборилади. Қуйидагиларнинг мол-мулки, бундан ушбу Қонунга мувофиқ тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулк мустасно, сотилиши керак:

қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг барча мол-мулки;

қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан олинган мол-мулк. Бунда мол-мулкнинг, жисмоний шахснинг аввалги тадбиркорлик фаолияти даврида олинган мол-мулкка кириши-кирмаслиги иқтисодий суд томонидан белгиланади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг кўчмас мол-мулкни ёки қимматли кўчар мол-мулкни доимий бошқарув зарур бўлганда иқтисодий суд мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор

мақомини йўқотган жисмоний шахснинг мол-мулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд нақд пул маблағлари қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган иқтисодий суднинг депозитига киритилади»;

23) **183-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суд депозитига киритилган пул маблағлари ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қондиришдан олдин банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш ва иқтисодий суднинг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади, шунингдек қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, шу фуқаронинг талаблари қондирилади»;

24) **184-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«184-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни мажбуриятлардан озод қилиш**

Банкрот деб топилган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин мазкур тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга ошириладиганда кредитор томонидан билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бундан мустасно.

Кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги, иқтисодий суднинг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибда қаноатлантирилмаган ёки қисман қаноатлантирилган ёхуд қарздор якка тартибдаги тадбиркорни ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсни банкрот деб топиш таомили амалга ошириладиганида билдирилмаган бошқа талаблар ўз кучида қолади ва қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг банкротлиги таомили тамомланганидан кейин тегишинча тўла ҳажмда ёки қаноатлантирилмаган қисми ҳажмида тақдим этилиши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс томонидан мол-мулкнинг яширилганлиги ёки унинг ўз мол-мулкини учинчи шахсларга ғайриқонуний тарзда берганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик жараёнида талаблари

қондирилмаган кредитор ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли. Бунда якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг бундай мол-мулки деганда унинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан олинган мол-мулки тушунилиши керак»;

25) **188-модда** «Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки қарздор якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда) **26-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«26-модда. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг банкрот бўлиши**

Якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, агар тегишли талаблар унинг илгариги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиққан бўлса, белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсни банкрот деб топиш таомилларини амалга оширишда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг улар томонидан шундай тартибда қўйилмаган талаблари банкрот деб топиш таомили тугалланганидан кейин ҳам ўз қучини сақлаб қолади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахс

банкрот деб топилган тақдирда, унинг кредиторларининг талаблари ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсни суд томонидан банкрот деб топишнинг ёки унинг ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **6-моддаси биринчи қисмининг 18-бандидаги** «уч кунлик муддатда» деган сўзлар «уч иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «**Электрон тижорат тўғрисида**»ги 613–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майда қабул қилинган ЎРҚ–385-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 178-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **11-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон тижорат иштирокчиси — товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан, фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга оширган тақдирда эса тегишли лицензияни олган пайтдан эътиборан электрон тижоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга»;

**учинчи қисм тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **11<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«11<sup>1</sup>-модда. Электрон тижорат соҳасида ҳисоб-китоблар**

Электрон тижорат соҳасида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб-**

**ликасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова, № 12; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) куйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **22-модда:**

куйидаги мазмундаги **йигирма иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**солиқ мониторинги** — солиқ назоратининг инсофли солиқ тўловчиларига солиқ солишнинг жорий масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама қўмаклашган ҳолда, давлат солиқ хизмати органлари ва инсофли солиқ тўловчилар ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи шакли»;

**йигирма иккинчи — ўттиз саккизинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма учинчи — ўттиз тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) куйидаги тахрирдаги **22<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

«**22<sup>2</sup>-модда. Йирик солиқ тўловчилар**

Йирик солиқ тўловчилар — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган мезонлардан келиб чиққан ҳолда, солиқ маъмуриятчилигига мансуб бўладиган айрим тоифадаги юридик шахслардир. Йирик солиқ тўловчилар бўйича мезонлар солиқ тўловчиларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

Йирик солиқ тўловчилар жумласига киритилган юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу ҳақда ҳисобга қўйилган жой бўйича ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади»;

3) **45-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йирик солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига тақдим этади»;

**учинчи — ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **9-бобнинг номидаги «солиқ қарзини»** деган сўзлар «**солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **54 ва 55-моддалар** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«54-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш:

солиқ мажбуриятларини бажариш муддатларини ўзгартириш ҳисобидан солиқ таътиллари тарзида берилади ва бунда солиқ тўловчига тўлаши керак бўлган тегишли солиқ тўловларини маълум бир муддат давомида камайтириш ва кейинчалик тўлаш имконияти тақдим этилади;

солиқ қарзини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда тўлаш муддатини кейинроқ муддатга кўчириш тарзида берилади.

Солиқ таътиллари:

вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга — солиқ таътили бериш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга берилади. Инсофли солиқ тўловчиларга охириги икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келган солиқ тўловчилар киради;

ягона солиқ тўловини тўловчиларга, бундан ушбу Кодекс 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар мустасно, ягона солиқ тўловини тўлаш бўйича давлат рўйхатидан ўтган пайтдан эътиборан бир йилгача бўлган муддатга берилади.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш бир ойдан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга берилади. Бунда солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг жамига ёки бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътиллари, шунингдек солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан берилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчиларга солиқ таътиллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини тўлашни уларнинг ундирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида тенг улушларда тўлашга ҳақли.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланганидан эътиборан тўхтатиб турилади.

Ушбу модданинг қоидалари божхона тўловларини ва давлат божини

тўлашга нисбатан татбиқ этилмайди. Божхона тўловларини ва давлат божини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

**55-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини тугатиш**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши у берилган муддат ўтганидан кейин тугайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши солиқ тўловчи кечиктирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг жами суммасини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш муддати ўтгунига қадар тўлаган ёки солиқ тўловчи кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини бузган ҳолларда муддатидан илгари тугатилади»;

6) **56-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «уч кунлик муддатда» деган сўзлар «уч иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **57-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўттиз иш куни ичида» деган сўзлар «ўн беш иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **58-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ўттиз иш куни ичида» деган сўзлар «ўн беш иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **62-модданинг иккинчи қисми** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **67-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг»;

**еттинчи — ўн биринчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«солиқ мониторинги»;

11) **70-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчи томонидан аниқланган тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Солиқ мониторинги амалга ошириладиган солиқ даври учун камерал назорати ўтказилмайди, бундан солиқ мониторинги муддатидан илгари тугатилган ҳоллар мустасно»;



12) қуйидаги мазмундаги **71<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«71<sup>1</sup>-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг**

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базани аниқлаштириш мақсадида ходимларнинг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари томонидан жойларга чиққан ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган объектларда ва ҳудудларда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари иштирокида, мавжуд ходимларнинг сонини бирма-бир санаб чиқиш ҳамда маълумотнома билан расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган камерал назорат натижаларига кўра, давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботларда иш ҳақи фонди, шунингдек ходимлар сони камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар ёки номуносивбликлар мавжудлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

вазирликлар ва идораларнинг давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ маълумотларида ва ҳисоботларида кўрсатилган ходимлар сони ўртасида фарқларнинг мавжудлиги.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан амалга ошириладиган мониторинг тўғрисидаги маълумотлар текширишларни рўйхатга олиш китобига киритилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш тўғрисидаги буйруқ давлат солиқ хизмати органларининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади. Буйруқда мониторинг амалга ошириладиган субъект, фаолиятнинг асосий тури, жойи ва муддатлари, мониторингни амалга ошириш учун асос бўлган фарқ ёки номувофиқликлар, шунингдек давлат солиқ хизмати органларининг мониторингни амалга оширувчи ходимлари кўрсатилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга оширувчи ходимлар томонидан солиқ тўловчидан бошқа ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга ёхуд унинг молия-хўжалик фаолиятига бошқача шаклда аралашшига йўл қўйилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг натижалари бўйича у амалга оширилган куни давлат солиқ хизмати органининг масъул ходими томонидан маълумотнома тузилади. Маълумотнома солиқ тўловчининг мансабдор шахси ёки мониторинг жараёнида бевосита иштирок этган вакили иштирокида тузилади ва бир нусхаси уларга топширилади.

Солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг натижалари бўйича тузилган маълумотномани олишни ёки маълумотнома билан танишишни рад этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда мазкур маълумотномага тегишли ёзув киритади. Бунда маълумотноманинг бир нусхаси почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Мониторинг натижаларидан фақат хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлигини амалга оширишда, шунингдек солиқ солинадиган базани аниқлашда фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

13) қуйидаги мазмундаги **12<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

### **«12<sup>1</sup>-боб. Солиқ мониторинги**

#### **76<sup>1</sup>-модда. Солиқ мониторингининг умумий қоидалари**

Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ мониторингининг предмети солиқ мониторингида иштирок этаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишидан иборатдир.

Солиқ мониторинги ўтган йил яқунларига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра энг кам иш ҳақининг етмиш минг баравари миқдоридан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқ мониторинги солиқ тўловчининг солиқ мониторингида иштирок этиш тўғрисидаги аризаси бўйича давлат солиқ хизмати органи билан солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви регламентига мувофиқ давлат солиқ хизмати органининг солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

Аризанинг шакли ва ўзаро ахборот алмашинуви регламенти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ тўловчи томонидан кейинги йилда солиқ мониторингида иштирок этиш тўғрисидаги ариза солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмасдан ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилади.

Мазкур аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи солиқ мониторингини амалга ошириш ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисида бир ой ичида қарор қабул қилади.

Солиқ мониторингини амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор асосланган бўлиши керак. Солиқ мониторингини амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун солиқ тўловчи томонидан солиқ мониторингини амалга ошириш тўғрисидаги ариза ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этилганлиги, шунингдек регламент талабларига риоя этилмаганлиги асос бўлади.

Солиқ мониторингини амалга ошириш ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор у қабул қилинган кунда солиқ тўловчига ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали юборилади.

### **76<sup>2</sup>-модда. Солиқ мониторингини амалга ошириш**

Солиқ мониторинги солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ мониторинги солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Солиқ тўловчи солиқ мониторингида иштирок этиш тўғрисидаги аризани тақдим этган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган календарь йил солиқ мониторингининг даври ҳисобланади.

Солиқ мониторинги солиқ мониторинги амалга ошириладиган йилнинг 1 январидан бошланиб, кейинги йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилади.

Солиқ мониторингини амалга оширишда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ зарур ҳужжатлар, маълумотлар, тушунтиришларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар, маълумотлар ва тушунтиришлар давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилади.

Солиқ мониторинги жараёнида талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар, маълумотлар ва тушунтиришлар солиқ тўловчи томонидан тегишли талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этилиши керак.

Талаб қилиб олинadиган ҳужжатларни, маълумотларни ва тушунтиришларни ушбу модданинг еттинчи қисмида белгиланган муддат ичида тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ тўловчи бу ҳақда сабабларини кўрсатган ҳолда тегишли давлат солиқ хизмати органини талабномани олган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

### **76<sup>3</sup>-модда. Давлат солиқ хизмати органининг асослантирилган фикри**

Давлат солиқ хизмати органининг асослантирилган фикри деганда (бундан буюн матнда асослантирилган фикр деб юритилади) солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида

тўланиши масалалари юзасидан давлат солиқ хизмати органининг фикрини акс эттирувчи ҳужжат тушунилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нотўғри ҳисобланганлиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланганда асослантирилган фикр давлат солиқ хизмати органининг ташаббуси билан тузилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши борасида солиқ тўловчида шубҳалар мавжуд бўлганда, у солиқ мониторингини ўтказётган давлат солиқ хизмати органига мазкур масалалар юзасидан ўз фикрини баён этган ҳолда, асослантирилган фикрни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

Асослантирилган фикр сўров олинган кундан эътиборан бир ой ичида ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Солиқ тўловчи асослантирилган фикрни олган кундан эътиборан бир ой ичида давлат солиқ хизмати органини ушбу фикрга розилиги тўғрисида унинг ижросини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, хабардор қилади.

Солиқ тўловчи асослантирилган фикрга рози бўлмаган тақдирда, ўз эътирозларини асослантирилган фикрни олган кундан эътиборан бир ой ичида давлат солиқ хизмати органига тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг эътирозлари олинган кундан эътиборан уч кун ичида уларни биргаликда муҳокама қилиш жараёнини бошлаш ва ўзаро келишув тузиш учун юқори турувчи давлат солиқ хизмати органига юборади.

#### **76<sup>4</sup>-модда. Ўзаро келишув жараёни**

Ўзаро келишув жараёни асослантирилган фикрни тузган давлат солиқ хизмати органи ходимлари, солиқ тўловчи ва юқори турувчи давлат солиқ хизмати органи вакиллари иштирокида, эътирозлар олинган кундан эътиборан бир ой ичида амалга оширилади.

Ўзаро келишув натижалари бўйича тузилган хабарнома асослантирилган фикрни тузган давлат солиқ хизмати органи томонидан тузилган куннинг ўзида солиқ тўловчига ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

#### **76<sup>5</sup>-модда. Солиқ мониторингини муддатидан олдин тўхтатиш**

Солиқ мониторинги қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

1) солиқ тўловчи томонидан ўзаро ахборот алмашинуви регламенти талаблари бажарилмаганда, шунингдек солиқ тўловчининг асослантирилган фикрга ёки ўзаро келишув натижалари бўйича тузилган хабарномага розилиги (рози эмаслиги) тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаганда;

2) солиқ мониторингини амалга ошириш даврида давлат солиқ хизмати

органига молиявий ва солиқ ҳисоботларини топшириш муддатлари бузилганда;

3) солиқ мониторингини амалга ошириш даврида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаганда;

4) солиқ мониторингини қўллаш даврида ҳисобланган солиқ тўловлари камайишини, зарарлар миқдорининг ошишини назарда тутувчи аниқлаштирилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари тақдим этилганда;

5) солиқ мониторингини амалга ошириш жараёнида солиқ тўловчи томонидан нотўғри ахборот тақдим этилганда;

6) ҳужжатлар, маълумотлар ва тушунтиришлар ўзаро ахборот алмашишуви регламентида белгиланган талаблар солиқ тўловчи томонидан мунтазам равишда бузилган ҳолда тақдим этилганда;

7) солиқ тўловчи томонидан солиқ мониторингини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида ариза тақдим этилганда.

Солиқ мониторингини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи шу куннинг ўзида солиқ тўловчини ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор этади»;

14) **84-модда:**

**ўн биринчи қисмидаги** «товарлар ҳаракати» деган сўзлар «товарларни олиб ўтиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали электрон тижорат шаклида амалга оширилган товарларни олиб ўтиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимини белгиловчи орган тегишли маълумотлар базасига уланиш учун дастурий воситаларни тақдим этиш орқали давлат солиқ хизмати органларига домен номлари администраторлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини беради»;

**ўн иккинчи қисм ўн учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

15) **91-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ мониторинги амалга оширилган солиқ даври учун молия-ҳўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар ўтказилмайди, бундан солиқ мониторинги муддатидан илгари тугатилган ҳоллар мустасно»;

**тўртинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) **92-модда биринчи қисми тўртинчи хатбошисининг** ва **тўртинчи қисми бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «қайд этиш дафтарини» деган сўзлар «рўйхатга олиш китобини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **155-модданинг ўн олтинчи қисмидаги** «ўттиз кун» деган сўзлар «ўн беш иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **348-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллайдиган юридик шахслар инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулосани беришга ҳақли бўлган ваколатли органнинг хулосаси чиқарилганидан кейинги ойдан эътиборан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади»;

19) **354-модданинг:**

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун 2018 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 декабрь,  
ЎРҚ-455-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**8** Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2017 йил 19 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 422–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган ЎРҚ–162-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 353-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 425–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг 4-бандидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 5 январда эълон қилинган.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «масалалари» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **16-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларни тегишли кафолатлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

меҳнат бозори ҳолатининг мониторингини ташкил этади ҳамда шу асосда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида янги иш ўринларини ташкил этишга доир йиллик буюртмаларни шакллантиради;

меҳнат бозорини тартибга солиш ва бандлик соҳасида бозор шароитларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (бундан буён матнда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб юритилади) маблағларидан ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, унинг малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди;

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан текширув ва назоратни таъминлайди;

ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни иқтисодиётнинг ва меҳнат бозорининг ҳақиқий эҳтиёжларига мувофиқ касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиради;

бошқа вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари билан



биргаликда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

илғор ахборот технологияларини ишга жойлаштириш жараёнига жорий этади, шу жумладан Бўш иш ўринларининг миллий базасини яратади ва уни доимо ривожлантириб боради;

ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратади;

аҳоли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий меҳнат органлари:

меҳнат органларига мурожаат этган ишсизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлайди;

фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

ишсизларнинг рўйхатга олинишини таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

меҳнат бозорининг ҳолатига ва мазкур бозорни ривожлантириш истиқболларига баҳо беради ҳамда унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказади ҳамда тегишли ахборотнинг тарқатилишини таъминлайди;

иш кидириб мурожаат қилган фуқароларнинг, шунингдек бўш иш ўринларининг (вакант лавозимларнинг) ҳисобини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг бажарилиши мониторингини ушбу дастурларга киритилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган ахборот, шунингдек давлат статистика органларининг маълумотлари асосида амалга оширади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар ҳамда амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнатнинг хусусияти ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот олади;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касб-малака таркиби ҳамда сони тўғрисида ахборот олади;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёргарлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилиш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида таклифларни ишлаб чиқади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун киритади, шунингдек мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишончномаси асосида улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган тақдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўлқира, кундалик харажатлар ҳақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига кўра жўнатади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди.

Маҳаллий меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Меҳнат органлари томонидан аҳолига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бўйича хизматлар бепул амалга оширилади»;

3) **28-модданинг учинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **35-модданинг иккинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **14-моддасининг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 839–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–410-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 275-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **8-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги** ва **учинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 384-модда) **37-моддаси биринчи қисмининг «е» бандидаги** «докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида» деган сўзлар «катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248,

249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) **531-моддасининг саккизинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд қарорининг жарима солишга ва бошқа мулкӣ ундиришларга тааллуқли қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари суд қарорининг нусхаси билан бирга биринчи инстанция суди томонидан суднинг қарори қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай маҳкумнинг яшаш жойидаги ёхуд жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг молмулки турган жойдаги давлат ижрочиларига юборилади».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12,

383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «194, 218» рақамлари «194, 209<sup>1</sup>, 218» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) қўйидаги мазмундаги **61<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«61<sup>2</sup>-модда. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

Ўзганинг мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш кўп бўлмаган миқдорни ташкил этса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оз миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади»;

3) **97-модда** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«97-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш баравари-

гача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **193-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«193-модда. Депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш**

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан депутатлар ҳамда сенаторлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш, уларга атайлаб сохта маълумот бериш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш»;

5) қуйидаги мазмундаги **209<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«209<sup>1</sup>-модда. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш**

Формали кийим-бош кийиб юриши назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоровий ва махсус формали кийим-бошини бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар томонидан кийиб юриш, —

формали кийим-бошни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **245-модда:**

**биринчи қисми:**

«61<sup>1</sup>» рақамидан кейин «61<sup>2</sup>» рақами билан, «209» рақамидан кейин «209<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

«164-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 165, 165<sup>1</sup>, 166, 167, 169, 170, 171<sup>1</sup>, 173, 174<sup>1</sup>-моддаларида, 175-моддасининг бешинчи қисмида, 175<sup>1</sup>, 175<sup>3</sup>, 175<sup>6</sup>-моддаларида, 176-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>, 176<sup>4</sup>, 177, 179» деган сўзлар «164, 165, 165<sup>1</sup>, 166, 167, 169, 170, 171, 171<sup>1</sup>, 172, 173-моддаларида, 174-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174<sup>1</sup>, 175, 175<sup>1</sup>, 175<sup>3</sup>, 175<sup>4</sup>, 175<sup>5</sup>, 175<sup>6</sup>, 176, 176<sup>2</sup>, 176<sup>3</sup>, 176<sup>4</sup>, 177, 178, 178<sup>1</sup>, 179, 179<sup>1</sup>» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида яқка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади, ушбу Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

7) **257-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «164-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида, 168, 171, 172, 174-моддаларида, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 175<sup>4</sup>, 175<sup>5</sup>, 176<sup>2</sup>, 179<sup>1</sup>, 215<sup>3</sup>-моддаларида» деган сўзлар «168-моддасида, 174-моддасининг учинчи қисмида ва 215<sup>3</sup>-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **265-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **268<sup>1</sup>-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«268<sup>1</sup>-модда. Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш органлари**

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 215<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси ҳамда унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга»;

12) **268<sup>2</sup>-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 99 ва 178-моддаларида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади»;

13) **287-модданинг 1-банди** «209» рақамидан кейин «209<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғриси-

да»ги 154–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **30-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банкларда ликвидлилик танқислиги юзага келган ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган гаров активлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, Марказий банк банкларга Марказий банк томонидан белгиладиган тартибда ва шартларда қисқа муддатли таъминотсиз кредитлар беришга ҳақли»;

**иккинчи қисм учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банк банкларни кредитлаш шартларини оммавий ахборот воситаларида ва ўз расмий веб-сайтида эълон қилади».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **49-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **51-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **56-модданинг матнидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



7) **71-модданинг биринчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **107-модданинг тўртинчи қисмидаги** «катта илмий ходим-изланувчилар институтига» деган сўзлар «таянч докторантурага ёки докторантурага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **117-модданинг иккинчи қисмидаги** «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **137-модданинг иккинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **225-модданинг учинчи қисмидаги** «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **241-модданинг учинчи қисмида** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг номидаги ва биринчи хатбошисидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **44-модданинг учинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **109-модданинг учинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монопо-

лиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **17-моддасининг учинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган 463–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 160-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **3.3.-бандининг 3.3.3.-кичик банди «Олий ўқув юртидан кейинги таълим» бўлимининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий таълим муассасаларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим диссертация ҳимояси билан яқунланади. Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади».

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги 464–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 225-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киририлсин:

1) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «(катта илмий ходим-изланувчилар институти» деган сўзлар «(таянч докторантура, докторантура» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг учинчи қисмидаги** «фан доктори» деган сўзлар «фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc))» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **26-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб

чиқиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини мунтазам такомиллаштириш»;

**олтинчи — ўнинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда, № 12, 657-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда) **13-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органларининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан намунадаги бепул формали кийим-бош билан таъминланадилар. Божхона органлари мансабдор шахсларининг фарқловчи белгилари ва кийим-кечак билан таъминланиш нормалари қонун ҳужжатларида белгиланади. Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади».

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **15-моддасининг иккинчи қисми** «нормалар бўйича» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан намунадаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-мод-

да; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **1-моддасининг иккинчи қисми** «қонунийликни мустаҳкамлашдан» деган сўзлардан кейин «шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги кўшимчалар киритилсин:

1) **40-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак»;

2) **218-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак».

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) **52-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «катта илмий ходим-изланувчилар» деган сўзлар «докторантлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда;

2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда; 2010 йил, № 9, 339-модда, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги 160–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **21-моддасининг иккинчи қисми** «экологик» деган сўздан кейин «коррупцияга қарши» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда) **1-илоvasи** қуйидаги мазмундаги **эллик тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолият».

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) **54-моддасининг ўнинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик ширкатлари тўғрисида**»ги 308–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **26-моддасининг учинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**26-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **46-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган 353–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 369-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) **4-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

**биринчи қисм** «маданий мерос объектларини сақлаш» деган сўзлардан кейин «шунингдек шаҳарсозлик фаолиятидаги очиқлик ва шаффофлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисм** «маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш» деган сўзлардан кейин «шунингдек манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрда қабул қилинган «**Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–57-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 499-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **18-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**29-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–60-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) **23-моддасининг биринчи қисми** «экология» деган сўздан кейин «коррупцияга қарши» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модда:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 271-моддасининг иккинчи қисмида ва 283-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар аниқланган тақдирда, бундан қурилиши тугалланган объектларда товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш бўйича олинган мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган ҳоллар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ер участкаси жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига бу ҳақда уч календарь кун ичида хабар бериши шарт»;

**тўртинчи — ўн учинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **130-модда:**

**ўн биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳо-

сидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади, ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) **204-модда:**

**иккинчи қисми** «ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солинадиган база солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

**учинчи — йигирманчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **271-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаганда молмулк солиғи солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ушбу тартиб қурилиши тугалланган объектларда товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш бўйича олинган мажбуриятларни ўн икки ой ичи-



да бажармаган тадбиркорлик субъектларига, шунингдек ушбу қисмда кўрсатилган объектларни олган эгаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Объектлар қурилишининг бошланиш ва тугалланиш муддатларини ҳисоблаб чиқариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан аниқланган объектлар бўйича мол-мулк солиғини ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайдилар»;

**иккинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **283-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаганда ер солиғи солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорига, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ушбу тартиб мазкур қисмда кўрсатилган объектларни олган эгаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Объектлар қурилишининг бошланиш ва тугалланиш муддатларини ҳисоблаб чиқариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан аниқланган майдон бўйича ер солиғини ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайдилар»;

6) **329-модданинг**:

**24-бандидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**36-бандидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **330-модданинг 19-бандидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **331-модданинг 12-бандидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **338-модданинг ўн олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мол-мулкнинг алоҳида тоифаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат божини ҳисоблаб чиқаришнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкин»;

10) **349-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар ушбу Кодекс 271-моддасининг иккинчи қисмида ва 283-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда мол-мулк солиғи ва ер солиғини ҳам тўлайдилар»;

11) **355-модда иккинчи қисми 1-бандининг саккизинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилувчи, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун — агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ олиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул бериладиган товарларга (ишларга, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди».

**31-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг бешинчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбошидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**33-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–353-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 9, 239-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **77-модданинг учинчи ва еттинчи хатбошиларидаги** «бандликка кўмаклашиш марказлари» деган сўзлар «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **106-модданинг бешинчи қисмидаги** «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **170-модданинг биринчи қисми** «ва унга йўл қўймаслик» деган сўзлардан кейин «шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **179-модданинг иккинчи қисми** «мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари» деган сўзлардан кейин «шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг аломатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**35-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **4-моддасининг учинчи хатбошиси** «шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**36-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган «**Ижтимоий шериклик тўғрисида**»ги ЎРҚ–376-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотно-

маси, 2014 йил, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш»;

2) **23-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этиш»;

**бешинчи — еттинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**37-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**38-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 30-моддасининг 1, 4, 5 ва 10-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 январь,  
ЎРҚ-456-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **9 Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–445-сон Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган Намунавий низом асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бир ой муддатда тегишли низомлар тасдиқланишига ҳамда уларнинг ўз фаолиятини ушбу низомлар асосида ташкил этишига кўмаклашсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 31 июлдаги 562-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 31-сон, 777-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.С. Жавлонов зиммаси-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 январда эълон қилинган.

га ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 январь,  
7-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 январдаги 7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан  
ишлаш тартиби тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**аноним мурожаат** — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** — айна бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

**такрорий мурожаат** — айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдириляётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**электрон мурожаат** — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**оммавий қабул** — маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ёки бу болада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**видеоконференцалоқа** — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига телефон орқали қилинган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида ушбу Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг расмий веб-сайти орқали ёки уларнинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа ташкилотларнинг порталлари орқали тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

5. Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

7. Мурожаатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахс учун);

юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахс учун);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аниқ номи ва мурожаатнинг моҳияти.

Мурожаатларда мурожаат қилувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат қилувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат қилувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

8. Мурожаатларни бериш муддатлари, қоидага кўра, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва химоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу Низом талабларига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиши мумкин.

10. Фуқаролар йиғинларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари томонидан мувофиқлаштирилади.

## **2-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек, уларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул котиби (кейинги ўринларда масъул котиб деб аталади) томонидан амалга оширилади.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган муро-



жаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.

Электрон мурожаатлар тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса, кейинги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши керак.

13. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар масъул котиб томонидан мурожаатларни рўйхатга олиш журналига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида қайд этиш штампини қўйиш йўли билан рўйхатга олинади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат қилувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган шахснинг исми, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисида белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг расмий номи, мурожаатнинг тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари хар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

14. Мурожаат почта орқали конвертга солиб берилганда конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда, икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари мурожаат қилувчининг манзилени, мурожаатнинг жўнатиладиган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

15. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш карточкаси тўлдирилади. Қайд этиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

16. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оғзаки мурожаат қилишганда, улар томонидан тақдим этилган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тўлдирилган қайд этиш карточкасига илова қилиниши керак.

17. Рўйхатга олинган мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб бир иш

кунидан кечикмай фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га ёки унинг ўринбосарига киритилади, у масъул ходимни белгиланган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюция (топшириқ беради) кўяди.

18. Резолюция (топшириқнома) кўйилган пайтдан бошлаб бир иш кuni мобайнида масъул котиб мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимига имзо кўйдирган ҳолда беради.

19. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган мурожаатлар уларнинг иш юритувига қабул қилиниши ёки тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилиши мумкин.

20. Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган мурожаат беш кун муддатдан кечиктирмай фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа органларга ўтказиш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

21. Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан бирга-ликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

22. Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатларни (ташаккурномалар, табриқномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) кўриб чиқиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан унинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

23. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият юзага келган тақдирда, мурожаатни кўриб чиқувчи мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида — белгиланган тартибда бошқа органлардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

24. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

25. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

26. Агар мурожаатда ўртага қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

27. Зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

28. Мурожаатни кўриб чиқаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат қилувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мурожаат қилувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари жалб этиши мумкин.

29. Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг ўринбосарлари қабул қилади.

Жамоавий мурожаатларга жавоб хати, агар мурожаатда жавоб хатини бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаатга жавоб хати мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

30. Мурожаатга жавоб хати фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

31. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра бошқа шахсга юборилади.

32. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш

тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда масъул котиб муурожаатларни рўйхатга олиш журналига ва қайд этиш карточкасига белги қўяди.

33. Агар муурожаатни кўриб чиқиш жараёнида муурожаатнинг дубликати олинса, ушбу муурожаат аввал тушган муурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар муурожаатнинг дубликати муурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин олинса, у ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муурожаат қилувчини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

34. Такрорий муурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади, мазкур Низомнинг 44-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

35. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра муурожаатни кўриб чиққан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек, йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Муурожаат қилувчининг муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

36. Кўриб чиқилган муурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш белгиланган тартибда масъул котиб томонидан амалга оширилади.

### **3-боб. Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари**

37. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиш шарт бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса — бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолатларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат қилувчига хабар қилинади.

38. Таклиф фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан олинган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

39. Айрим ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг ўринбосарлари муурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари мумкин.

40. Муурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар

тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

#### **4-боб. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш**

41. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

42. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш масъул котиб томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига телефон орқали келиб тушган мурожаатлар қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаат хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади.

43. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, масъул котиб уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда масъул котиб томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб, ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда мурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

44. Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини ёзма ёки электрон тартибда қақриб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида оғзаки равишда, шу жумладан телефон орқали илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли қақришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этгандан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

45. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

46. Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 44-банди иккинчи хатбошига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асосизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тўхталиши тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланадиган хулоса орқали мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

47. Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда, мурожаат мурожаат қилувчига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

48. Мурожаатни кўриб чиқиш чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли тугатилганда, мурожаат қилувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги хати орқали ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

### **5-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш**

49. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

50. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга мазкур Низомда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

51. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида жисмоний шахслар

ва юридик шахсларнинг вакиллари ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (оқсоқоли) томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, зарурият бўлганда, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун алоҳида хона ажратади.

52. Қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маъмурий биносида ҳамда маҳалла гузарларидаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

53. Масъул котиб қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни, шунингдек, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

54. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш масъул котиб иштирокида амалга оширилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг ўринбосарларининг кўрсатмаси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

57. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар вақтида масъул котиб ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар ўтказилиши мумкин.

Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биналарга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабулларни ўтказиш вақти, жойи

ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 52-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар ва оммавий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

58. Шахсий қабул давомида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) қарорига кўра ва мурожаат қилувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилиши мумкин.

### **6-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажбуриятлари**

59. Мурожаат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;  
важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;  
муурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд муурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз муурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган пайтда муурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

муурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик юзасидан тегишли туман (шаҳар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муурожаатларни кўриб чиқишда бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

60. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

муурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан кўриқ-



ланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

муружаат қилувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муружаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дархол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки муружаатлар бундан мустасно;

муружаат бўйича қабул қилинган қарор юзасидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

муружаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дархол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг муружаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

### **7-боб. Муружаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш.**

#### **Муружаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

61. Масъул котиб муружаатларнинг кўриб чиқилиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Масъул котиб муружаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва ижрочилар томонидан бузилиши тўғрисида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни дархол хабардор қилади.

Масъул котиб мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га муружаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муружаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

62. Назоратга олинган муружаат ушбу муружаатни назоратга олган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг ўринбосарлари томонидан назоратдан ва ижродан чиқарилади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган муружаатлар назоратдан чиқарилмайди.

63. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамиятнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Таҳлил натижалари бўйича масъул котиб фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, жамиятнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.


### **8-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик**

64. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

65. Қонун ва ушбу Низом талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига, масъул котибига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисига, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбарларига юкланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомга  
1-ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ**



Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
↓	↓		
4-босқич	ФҰҰБО раиси (оқсоқоли)	1. Мурожаат қилувчига ёзма шаклда жавоб хатини йўллаш. 2. Мурожаатни кўриб чиқиш тугалланганлигини қайд этиш.	1) Кўриб чиқиш натижалари бўйича жавоб хати имзоланган кунда. 2) Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кунда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш  
органларида жисмоний ва юридик  
шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш  
тартиби тўғрисидаги намунавий низомга  
2-ИЛОВА

(Олд томони)

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
муурожаатларини қайд этиш карточкаси**

<b>Тартиб рақами:</b>		<b>Савол:</b>	
<b>Муурожаат қилувчи:</b>			
<b>Манзили:</b>			
<b>Муурожаат тушган сана:</b>		<b>Муурожаат қилувчилар сони:</b>	
<b>Муурожаатнинг шакли:</b>		<b>Варақлар сони:</b>	
<b>Қабул шакли:</b>		<b>Дубликат/ такрорий</b>	
<b>Муурожаатнинг тури:</b>		<b>Олдинги муурожаатнинг санаси ва рақами:</b>	
<b>Назорат тури:</b>			
<b>Муурожаатнинг қисқача мазмуни:</b>			
<b>Резолюцияни (топшириқномани) имзолаган раис:</b>			
<b>Раиснинг (оқсоқолнинг) резолюцияси (топшириғи):</b>		<b>Бажариш муддати:</b>	
<b>Таркибий бўлинма:</b>		<b>Ижрочи:</b>	
(Орқа томони)			
<b>Муурожаатларни кўриб чиқишнинг ҳолати</b>			
<b>Юборилган сана</b>	<b>Қаерга юборилган</b>	<b>Жавоб хатининг рақами ва санаси</b>	
<b>Муддати узайтирилган:</b>		<b>Ким томонидан: (имзо)</b>	
<b>Жавоб хати келган сана:</b>			
<b>Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:</b>			
<b>Назоратдан чиқарилди (ким томонидан):</b>		<b>Бажарувчининг имзоси:</b>	
<b>Сана:</b>		<b>Бажарилган сана:</b>	
<b>Муурожаатни кўриб чиқиш муддати бузилганлиги ҳақидаги белги:</b>			

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**10 Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 январь,  
10-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 январдаги 10-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари  
меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари методистлари ва инспектор-методистлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг, давлат мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари (кейинги ўринларда давлат мактабгача таълим тизими ходимлари деб аталади) меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармасининг бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарори асосида белгиланади.

2. Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:  
лавозим маошлари (тариф ставкалари);  
лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар.

**2-боб. Давлат мактабгача таълим тизими ходимларининг  
лавозим маошлари (тариф ставкалари)**

3. Давлат мактабгача таълим тизими ходимларининг лавозим маошлари:

давлат мактабгача таълим тизими ходимларининг лавозими ва малака тоифаси учун белгиланган базавий тариф ставкалари;

қонун ҳужжатларида белгиланган лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар асосида шакллантирилади.

4. Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

Давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ

тўлашнинг базавий тариф ставкалари муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда, 9 та ва ундан ортиқ гуруҳлари мавжуд давлат мактабгача таълим муассасалари I гуруҳ, 8 тагача гуруҳлари мавжуд давлат мактабгача таълим муассасалари II гуруҳ ҳисобланади.

Давлат мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари ходимнинг лавозимиغا, малака тоифасига ва давлат мактабгача таълим муассасасининг турига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

5. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6. Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари учун қуйидаги малака тоифалари белгиланади:

ўрта махсус, касб-хунар (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазифаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган мутахассис;

бакалавр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган иккинчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган биринчи тоифали мутахассис;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган олий тоифали мутахассис.

7. Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларига малака тоифалари бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **3-боб. Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар**

8. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарган, ташаббускор ва юқори малакали ходимларини моддий рағбатлантириш давлат мактабгача таълим муассасаларида ташкил эти-

ладиган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

9. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбар, педагог ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча тўлов тўланади.

10. Район коэффицентлари ва устамалар жорий қилинган жойлардаги давлат мактабгача таълим муассасаларида ишловчи ходимларга қўшимча тўловлар, шунингдек, фахрий унвон, илмий даражалар учун устамалар тўлаш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

#### **4-боб. Давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш**

11. Давлат мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатини нормалаштириш давлат мактабгача таълим муассасаларининг йиллик, чораклик ва ойлик иш режаларига асосланади.

Йиллик иш режаси тарбиявий ва ташкилий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

12. Давлат мактабгача таълим муассасасида педагог ходимлар учун ҳафталик иш юкласининг қуйидаги миқдорлари белгиланади:

тил бўйича ўқитувчи — 18 соат;

ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог — 24 соат;

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, тарбиячи-методисти — 25 соат;

тарбиячи, тарбиячи-методист — 36 соат;

ақлий ривожланишда камчилиги бўлган ўқувчилар ва тарбияланувчилар ҳамда марказий асаб тизими руҳияти бузилган ҳолда шикастланган болалар учун мактабгача таълим муассасаси ёрдамчи тарбиячиси — 36 соат.

13. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун яқка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин давлат мактабгача таълим муассасаси мудирини томонидан тасдиқланади.

Иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш давлат мактабгача таълим муассасаси мудирини томонидан амалга оширилади.

14. Давлат мактабгача таълим муассасасида педагог ходимларнинг ҳафталик иш юкласи ишнинг ушбу тури бўйича иш вақти нормал давом этишининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

15. Давлат мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир ходими иш ре-



жаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ярим йилда камида бир марта ҳисобот беради.

**5-боб. Яқунловчи қоида**

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари  
меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий  
рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга  
ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари  
МИҚДОРЛАРИ**

I. Давлат мактабгача таълим тизими педагог ходимлари:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус (касб-ҳунар) маълумотли
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари методистлари, инспектор-методистлари	1 375 370	1 296 461	1 214 056	1 133 700	х
2.	Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг методистлари	1 266 199	1 148 291	1 075 487	1 004 547	х
3.	Тил бўйича ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог	899 890	838 649	779 554	722 815	668 356
4.	Тарбиячи-методист, тарбиячи, психолог	838 649	779 554	722 815	668 356	617 151
5.	Муסיқа раҳбари	737 998	678 915	622 185	568 049	516 567

## II. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ходимлари:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)				Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		шаҳарлар-вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри ва қишлоқ туманлари		шаҳар туманлари		
		I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ	
1.	Мудир	1 680 096	1 579 856	1 579 856	1 481 162	1 579 856
2.	Мудир ўринбосари, шўба мудири	1 291 014	1 198 776	1 291 014	1 198 776	1 198 776
3.	Кадрлар бўйича мутахассис, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис	799 186	737 873	799 186	737 873	737 873

## III. Давлат мактабгача таълим муассасаси мудири:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)	
		I гуруҳ	II гуруҳ
1.	Мудир	899 890	838 649

*Изоҳ: бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ оширилганда, мактабгача таълим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг базавий тариф ставкалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган буйруғи асосида тегишли миқдорларда оширилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 январдаги 10-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 2-иловада:

а) I бандда:

«г» кичик банддан «мактабгача муассасалари» ва «мактабгача муассасаларда» сўзлари чиқариб ташлансин;

изоҳларнинг иккинчи хатбошидан биринчи жумла чиқариб ташлансин;

б) III бандга изоҳларда:

1-кичик банднинг иккинчи хатбошидан «мактабгача тарбия муассасалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган таълим-тарбия муассасаларига: ақлан заиф, кўр ва ақлан заиф, руҳий ривожланишда орқада қолган, тафаккурида нуқсони бўлганлар учун мўлжалланган мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари (синфлар, гуруҳлар); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги шундай болалар муассасалари киради»;

3-кичик банддан «мактабгача тарбия болалар муассасалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда):

а) 1-иловада:

7-позиция чиқариб ташлансин;

8-позициянинг «олий малака тоифали» устунидан изоҳ белгиси чиқариб ташлансин;

изоҳнинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадан 1.5-позиция чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 3-банди саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Халқ таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги жадвалга биноан ўқувчилар (тарбияланувчилар) контингентига қараб муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади:

Халқ таълими муассасасининг типи	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Умумтаълим мактаблари*	1601 нафар ва ундан ортиқ	881 — 1600	401 — 880	400 нафаргача
«Меҳрибонлик» уйлари	201 нафар ва ундан ортиқ	200 нафаргача		
Муסיқа мактаблари ва санъат мактаблари	401 нафар ва ундан ортиқ	400 нафаргача		
Мактабдан ташқари муассасалар	1601 нафар ва ундан ортиқ	881 — 1600	880 нафаргача	
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	Муассасаларни тегишли гуруҳга киритиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.			

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Педагог кадрларнинг малака тавсифларига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Мактабгача таълим вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Халқ таълими вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази) ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ходимларнинг асосий лавозимлари малака тавсифларидаги (кейинги ўринларда — малака тавсифлари) талаблар асосида ўрганилади»;

б) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 20 январга қадар аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплексига тақдим этади.

Аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвали тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбари томонидан тасдиқланади»;

в) 15-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар

сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплексига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 17-банднинг иккинчи хатбошидаги «халқ таълими тизими» сўзлари «мактабгача таълим ва халқ таълими тизимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг малака тавсифларида белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолият кўрсатишини тасдиқловчи мактабгача таълим бошқармалари ва халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари, туман (шаҳар), муассасалар ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари (кейинги ўринларда — аттестация комиссиялари) томонидан амалга оширилади»;

е) қўйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup> — 20<sup>6</sup>-бандлар қўшилсин:

«20<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигида, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларида, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасида (кейинги ўринларда — мактабгача таълим бошқармалари) олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш учун Мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Мактабгача таълим вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби мактабгача таълим бошқармалари бошлиғи (комиссия раиси), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг таълим соҳасига масъул ходими, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда — касаба уюшмаси) вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

20<sup>2</sup>. Қўйидагилар мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси яқунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

20<sup>3</sup>. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби мактабгача таълим бошқармаларининг буйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири (комиссия раиси), туман (шаҳар) ҳокимлигининг таълим соҳасига масъул ходими, касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

20<sup>4</sup>. Қўйидагилар туман (шаҳар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун мактабгача таълим бошқармалари комиссияларига буюртманома бериш.

20<sup>5</sup>. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва ота-оналар қўмитаси вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

20<sup>6</sup>. Қўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш;

ж) 21-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда касаба уюшмаси деб аталади)» сўзлари «касаба уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 36-бандга «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази» сўзларидан кейин «Мактабгача таълим вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

и) 37-бандга «Давлат инспекцияси томонидан» сўзларидан кейин «Мактабгача таълим вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

к) 51-банддаги «халқ таълими бошқармалари ва ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари» сўзлари «мактабгача таълим бошқармалари, халқ таълими бошқармалари ва ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 56-бандга «Давлат инспекцияси» сўзларидан кейин «Мактабгача таълим вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

м) 59-банднинг биринчи хатбошига «тегишлилигига кўра» сўзларидан кейин «Мактабгача таълим вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

н) Низомга 1-иловада:

«Тадбирлар номи» устунидаги «Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунидаги «Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари» сўзлари «Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари» сўзлари билан алмаштирилсин.



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## **11** Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

тасдиқланган статистик маълумотлар шакллари адвокатлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тўлдирилиши;

хар йили 10 январгача — ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши (йиллик);

статистик маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбари ва тегишли адвокатга, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбарига юкланиши маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, адвокатлик тузилмалари статистик маълумотлар шакллари электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг расмий сайти орқали тақдим этадилар.

4. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан эътиборан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 январда эълон қилинган.

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

6. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ 2018 йил 10 январдан кучга кирази.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 январь.  
1-мх-сон

Умумий масалалар

1-§. Расмийлаштирилган ҳужжатлар ва иштирок этилган ишлар сони							
Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Жиноят ишлари	Маъмурий ишлар	Фуқаролик ишлари	Иқтисодий ишлар	Бошқа ишлар	Жами
1.	Ёзма шаклда тузилган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар сони						
2.	Сарфланган ордерлар сони*						
3.	Иштирок этилган ишлар сони**						
	шундан	терговга қадар текширувда	x	x	x	x	
		суриштирувда		x	x	x	
		дастлабки терговда	x	x	x	x	
		судда					
		биринчи инстанцияда					
		апелляция инстанциясида					
		кассация инстанциясида					
	назорат инстанциясида						

Изоҳ: \* 1-параграфнинг 2-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ордерлар сони кўрсатилади. Ушбу бандда лозим даражада расмийлаштирилмаган (бузилган, бўялган ва шу каби) ордерлар сони кўрсатилмайди.

\*\* ҳар бир инстанция алоҳида иш сифатида кўрсатилади.

2-§. Бошқа турдаги юридик ёрдам						
Т/р	Юридик ёрдам турлари	Жисмоний шахсларга	Якка тартибдаги тадбиркорларга	Тижорат ташкилотларига	Нотижорат ташкилотларига	Жами
1.	Оғзаки (ёзма) ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар сони					
	шундан					
	ҳақ эвазига					
	бепул					
2.	Шартномалар (битимлар ва бошқалар) юзасидан берилган хулосалар, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари сони					
	шундан					
	ҳақ эвазига					
	бепул					

3-§. Ходимлар таркиби (адвокатлардан ташқари)						
Т/р	Умумий сони	шундан				
		адвокат ёрдамчиси	адвокат стажёри	иш юритувчи	бухгалтер	бошқа ходим*
1.						

Изоҳ: \* техник ва хизмат кўрсатувчи ходимдан ташқари.

**Жиноят ишларида иштирок этиш**

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Сони
<b>1-§. Тайинлов бўйича ишда иштирок этиш</b>		
1.	Тайинлов бўйича ишларда иштирок этиш (барча асослар бўйича)*	
2.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан ҳимоячидан воз кечиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларда иштирок этиш	
3.	Тайинлов бўйича ишда иштирок этганлик учун тўланиши лозим бўлган ҳақларнинг умумий миқдори**	
4.	Тайинлов бўйича ишда иштирок этганлик учун амалда тўланган ҳақ миқдори**	

Изоҳ:

\* ҳар бир инстанция алоҳида иш сифатида кўрсатилади.

\*\* ушбу бандларда суммалар миқдори рақамларда қисқартмаларсиз кўрсатилади.

<b>2-§. Ишда иштирок этишга жалб этилиши</b>		
1.	Шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақиртирилиши муносабати билан	
2.	Шахс ушланган пайтдан бошлаб ёки ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб	
3.	Шахс гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб	
4.	Шахс айбланувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб	
5.	Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган пайтдан бошлаб	
6.	Биринчи инстанция судидан бошлаб	
7.	Апелляция инстанцияси судидан бошлаб	
8.	Кассация инстанцияси судидан бошлаб	
9.	Назорат инстанцияси судидан бошлаб	
10.	1 — 9-бандларда назарда тутилмаган бошқа ҳолларда	

<b>3-§. Ишда вакил ва ҳимоячи сифатида иштирок этиш</b>		
1.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси	
2.	Гувоҳнинг адвокати	
3.	Фуқаровий даъвогар/жавобгарнинг вакили	
4.	Жабрланувчининг вакили	

<b>4-§. Эришилган натижа</b>		
1.	Реабилитация	

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Сони
2.	Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш	
3.	Судланувчи қилмишларининг тавсифини унинг фойдасига ўзгартириш	
4.	Судланувчига енгилроқ жазо тайинлаш	
5.	Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши	
6.	Ҳукм бекор қилиниши ёки апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида ҳимоя остидаги шахснинг фойдасига ўзгартирилиши	

3-шакл

## Маъмурий ишларда иштирок этиш

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Сони
<b>1-§. Маъмурий ишларнинг турлари бўйича иштирок этиш</b>		
1.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича	
2.	Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича	

<b>2-§. Эришилган натижа</b>		
1.	Енгилроқ маъмурий жазо чораси қўлланилган	
2.	Жавобгарликдан озод қилинган	
3.	Шикоят қисман ёки тўлиқ қаноатлантирилган	

4-шакл

## Фуқаролик ва иқтисодий ишларда иштирок этиш

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Фуқаролик ишларида иштирок этиш	Иқтисодий ишларда иштирок этиш
<b>1-§. Ишда вакил сифатида иштирок этиш</b>			
1.	Даъвогарнинг вакили		
2.	Жавобгарнинг вакили		
3.	Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг вакили		
4.	Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг вакили		

Т/р	Кўрсаткичнинг номи	Фуқаролик ишларида иштирок этиш	Иқтисодий ишларда иштирок этиш
5.	Аризачи (даъвогар), ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, давлат бошқаруви органининг вакили		х
<b>Жами</b>			

2-§. Ишларнинг турлари бўйича иштирок этиш			
1.	Даъво ишлари		
2.	Алоҳида тартибдаги ишлар		х
<b>Жами</b>			

3-§. Эришилган натижалар			
1.	Даъвогарнинг вакили сифатида иштирок этганда, даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган		
2.	Жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этганда, даъво рад қилинган		
3.	Қабул қилинган қарор юқори инстанция суди томонидан ишонч билдирувчи шахс фойдасига бекор қилинган ёки ўзгартирилган		
4.	Ишонч билдирувчи шахс фойдасига қабул қилинган қарор юқори инстанция суди томонидан ўзгаришсиз қолдирилган		
5.	Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар бўйича ариза тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган		х
<b>Жами</b>			

Ушбу адвокатлик тузулмаларининг статистик маълумотлар шакллари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

*Адвокатлар палатаси  
раиси в. б.*

*Ш. САДИКОВ*

*2018 йил 5 январь*

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 5 январдаги  
1-мх-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 15 декабрдаги 280-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2054, 2009 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 547-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 6 октябрдаги 233-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2054-1, 2011 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 442-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 22 июндаги 150-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2054-2, 2017 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 567-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**16** «2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойзсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60, 152-1-сон «2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойзсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1818, 2008 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 212-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 10 июндаги 63, 196-сон «2008 йилда олий таълим муассасаларига фойзсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1818-1, 2009 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 25-сон, 291-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 26 декабрь,  
184-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 26 декабрь,  
28-2017-сон

**И. МАДЖИДОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**17** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)» қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1921, 2009 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 134-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом 18-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилди);

меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилди) ёки унинг иш жойида тасдиқланган нусхаси».

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 январь,  
7-мҳ-сон

*Келишилган:*

*Адвокатлар палатаси  
раиси в. б.*

**Ш. САДИКОВ**

*2018 йил 6 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**18** **Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 152-модда) билан тасдиқланган Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғри-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

сидаги низом 5-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)».

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 январь,  
8-мҳ-сон

*Келишилган:*

*Адвокатлар палатаси  
раиси в. б.*

**Ш. САДИКОВ**

*2018 йил 6 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**19 Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-7*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 11-бандининг «д» кичик бандидаги «дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар «диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 январь,  
9-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**20 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари  
ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг  
21-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-А*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-модда) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

олтинчи хатбошидаги «дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар «диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «дафтарчасининг нотариал» деган сўзлар «дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 январь,  
10-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**21**      **Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-10*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 январда эълон қилинган.

барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 январь,  
11-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги  
11-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариус лавозимида тайинлаш бўйича танлов ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «дафтарчасининг нотариал» деган сўзлар «дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар «диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 19-банднинг иккинчи хатбошисидаги «танловнинг иккинчи босқичини» деган сўзлар «танлов» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 27-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нотариус лавозимида ишлаётган шахс танловда иштирок этиб, голиб деб топиш учун етарли балл тўплай олмаган тақдирда эгаллаб турган лавозимида нолайиқ деб топилади ва у билан тузилган меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.».



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 4 январдан 6 январгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 январдаги 1-мх-сон «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари-ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960.***

2. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 4 декабрдаги 7-сон «Энергетик ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1178-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 1 декабрдаги 01/15-2-10/34-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-9.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 180-сон «Молия органларида бюджетдан ташқари маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1475-2.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 183-сон «Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг йиллик база нормативларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1006-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 184, 28-2017-сон «2008 ва 2009 йилларда Олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-2.***

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 7-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-1.***

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 8-мх-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-1.***

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 9-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-7.***

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 10-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 21-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-4.***

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 11-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-10.***

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмита-

сининг «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2328, 2012 йил 16 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2328-1 2013 йил 8 февраль).

***Адлия вазирининг 2017 йил 23 ноябрдаги 407-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1292-1, 2010 йил 15 февраль), (рўйхат рақами 1292-2, 2010 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 1292-3, 2015 йил 9 июль).

***Адлия вазирининг 2017 йил 30 ноябрдаги 419-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2843, 2016 йил 1 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги 456-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2845, 2016 йил 1 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 481-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Молия органларида бюджетдан ташқари маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1475, 2005 йил 21 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1475-1, 2006 йил 8 февраль).

***Адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 4-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг йиллик база нормативларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1006, 2001 йил 14 февраль).

***Адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 5-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1818, 2008 йил 29 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1818-1, 2009 йил 17 июнь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 6-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**